



## РУҲИЙ ҲОЛАТНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАР ВА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

<sup>1</sup>Ахмедова Матлуба Ибрагимджоновна

<sup>1</sup>Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси, педагогика  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

<sup>2</sup>Туйчибайева Мафтуна Баходировна

<sup>2</sup>Фарғона давлат университети, Лингвистика (инглиз тили)

2-босқич магистранти

maftunatuychibaeva@gmail.com.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7294489>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> October 2022

Accepted: 03<sup>rd</sup> November 2022

Online: 05<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Металингвистика,  
этнолингвистика,  
социоллингвистика,  
психоллингвистика, гендер  
тилшунослик,  
нейролингвистика,  
фразеологизм, образлилик,  
экспрессивлик, шакл, маъно,  
эмоция.

Жаҳон тилшунослигида халқларнинг тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, тарихи, ҳаёт тарзи, воқеликка муносабати ҳамда миллий-маънавий динига хошлигининг муштараклиги ва фарқли жиҳатларини фразеологик бирликлар асосида ўрганишга қаратилган тадқиқотлар кўлами тилшуносликнинг кейинг тараққиётида жадал ривожланмоқда. Ушбу соҳада олиб борилаётган илмий ишларда инсон ва тил, тил ва маданият масалаларини лисоний манзараси доирасида қиёсий-чоғиштира, систем-структурал парадигма асосида ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. [2, 256]

### ABSTRACT

*Замонавий тилшуносликда инсон омили етакчи планга чиқарилган. Ушбу мақолада тилда инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг семантик жиҳатлари таҳлил остига олинган.*

Фразеологизмлар бошқа тил бирликларига қараганда нутқда образлилик, эмоционал-экспрессивлиликни ифодалаши билан фарқланади. Фразеологик бирликлар таркибидаги образлилик ўша миллат дунёқарашининг шаклланишида, унинг маънавий, ижтимоий, моддий маданият даражаси билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун, фразеологик бирликлар ўша миллатнинг миллий-маданий савияси, анъаналари, урф-одатлари ҳақида маълумот бериш билан катта аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тил, инсон ва унинг тафаккури, дунёқараши билан узвий алоқа ўрнатилаётганлиги



сабабли, фразеологик бирликларни антропосентрик парадигма доирасида тадқиқ қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Жаҳон тилшунослигида образли мотивлашган фразеологик бирликлар талқини, уларнинг шакл ва маъно муносабати, лингвокултурологик воситаларини ўрганиш ҳамда фразеологик бирликларнинг нутқда қўлланилишини қиёсий таҳлил қилиш, уларни лексик-семантик ва грамматик жиҳатдан таснифлаш қатор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. [5, 124]

Тилдаги фразеологик материал асосида инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг семантик-структур таснифи, уларнинг морфологик таҳлили ҳамда шундай турдаги фразеологик бирликларнинг лексик-семантик хусусиятларини қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларида чоғиштирма тадқиқи амалга оширилмаган.

Тилда мавжуд фразеологик бирликларни қўйидаги гуруҳларга таснифлаш мумкин: жой номлари билан боғлиқ фразеологик бирликлар, инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи фразеологик бирликлар ва ҳоказо. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг структур морфологик ҳамда лексик-семантик жиҳатдан фразеологик бирликларнинг шаклланиши омиллари билан боғлиқ муаммолар тилшунослар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Қўйида инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи фразеологизмларни инглиз ва ўзбек тилларида таҳлилга тортамыз. Инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи фразеологизмларнинг қатор

идеографик луғатларда ёритилишига эътибор қаратиш лозим. [8, 56]

Ҳаёт давомида одамлар доимо ҳис-туйғуларга ҳамроҳ бўлади. «Туйғу» атамаси одатда, ҳар қандай муҳим вазиятлар (қувонч, кўрқув, завқ), ҳодисалар ва ҳодисалар тажрибасида ўзини намоён қиладиган руҳий жараёнлар ёки инсоний шароитларнинг махсус турини англатади. Тилда акс эттирилиши мумкин бўлмаган деярли барча амалларни бажариш жараёнида биз турли хил ҳиссиётларни бошдан кечирамыз. Аста-секин ҳиссий ҳолат ва муносабатларни кўрсатувчи турли хил фразеологик иборалар шаклланади ва ҳар бир тилда бундай фразеологик бирликларнинг намуналарини топиш мумкин. Тил инсон ҳис-туйғуларини ифодалашнинггенг самарали усулларида биридир. У шундай хусусиятга эга боълганлиги учун ҳам инсон туйғуларини «бошқара олади»-унинг қалбида турли кечинмалар, ҳиссиётлар пайдо қила олади. [7, 16]

Инсоннинг руҳий ҳолати, ҳис-туйғулари унинг нутқида англашилади. Нутқнинг таъсирчанлигини, эмоционаллигини оширишга ҳизмат қиладиган сўзлар ҳам, фразеологик бирликлар ҳам ўз маънолари билан инсон психикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳар-хил ўзгаришлар, ҳаётдаги турли хил инсоний муносабатлар киши характерига, унинг руҳиятига таъсир этмай қолмайди. Ана шу ташқи таъсир киши руҳиятида ҳар хил ҳолатларнинг вужудга келиши учун замин ҳозирлайди. Инсон руҳияти жуда серқирра бўлиб у шодлик, ғазаб, хафалик, лоқайдлик каби турли ҳолатлар мажмуи саналади. [9, 6]



Руҳий ҳолат - бу жуда кенг тушунча бўлиб, ушбу ҳолат фақат шахсга тегишли ҳамдир. Шахс- бу идрок қилади, эсда олиб қолади, фикр юритади ва ҳис туйғуларини руҳият орқали кўрсата олади. Онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивид психалогия фанида шахс ҳисобланади. Мана шу индивидда содир бўладиган руҳий ҳолатни акс эттириш учун тилшуносликда руҳиятни ифодаловчи сўзлардан, фразеологик бирликлардан фойдаланамиз. Шундай фразеологик бирликларлар орасида феълли фразеологик бирликлар алоҳида ўрин тутади.

Инсонлардаги ички кечинмаларнинг ҳиссиёт, кайфият ва ҳаяжон тарзида ботиний шаклда бошдан кечирилиши билан бир қаторда ташқи руҳиятда сезиладиган даражада зоҳирий белгилар ҳам юзага чиқади. Масалан, кўл ва гавданинг маъноли ҳаракатлари, юзнинг ифодали ҳаракатлари (мимика), овоз оҳанги, кўз ва юз рангининг ўзгариши, турқи-тароват, кўз

қорачигининг кенгайиши ёки торайиши кабилар шулар жумласидандир. Бундай руҳий кечинмаларни тил орқали ифодалаш учун аксарият ҳолларда фразеологик иборалар энг самарали восита саналади.

Руҳиятни ифодаловчи фразеологик бирликларнинг семантикасини, нутқда қўлланиши ва услубий хусусиятларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг қўлланиш даражаси ва нутқий маънолари, маъно товланишларини таҳлил қилиш тилимиз ифода имкониятлари, бойлигини тўлароқ тасаввур қилиш имконини беради. Демак, фразеологик бирликларнинг бошқаларидан ажралиб турадиган ва ўзига хос қўлланилиш услубига эга бўлган тури бу инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи фразеологик бирликлардир. Уларни нутқда қўллаш орқали услубий таъсирчанликни ошириш ҳамда бадий таъсирда ифодавийликни таъминлаш мумкин.

## References:

1. Arnold I.V. Lexicology of modern English: Textbook. For in-tov and fak. Foreign language - 3rd ed., rev. and additional - m.: Higher. shk., 1986.
2. Berlison S.B., Specificity of the semantics of phraseological units and the role of structural components in its definition // semantic structure of words and phraseological units: collection of articles. Scientific articles - Ryazan, 1980. Zhukov V.P. Semantics of phraseological turns. - M., 1978.
3. Kunin A.V. The basic concepts of phraseology as a linguistic discipline and the creation of the English-Russian phraseological dictionary: author. dis. Dr. philol. Sciences - M., 1964.
4. Khakimov, M. K., & Melikuziev, A. L. / The History of Paralinguistic Researches // International Journal of Culture and Modernity, 2022, P- 90-95.
5. Melikuziev A. L. / Historical and modern classification of paralinguistics // Academicia Globe: Inderscience Research, 3(10), 2022, 126-128 бетлар.



6. Demiralp, E., Thompson, R. J., Mata, J., Jaeggi, S. M., Buschkuhl, M., Barrett, L. F., Ellsworth, P. C., Demiralp, M., Hernandez-Garcia, L., Deldin, P. J., Gotlib, I. H., & Jonides, J. / Feeling blue or turquoise? Emotional differentiation in major depressive disorder // 2012.
7. Doyle C. M., & Lindquist K. A. / When a word is worth a thousand pictures: Language shapes perceptual memory for emotion // Journal of Experimental Psychology: General, 2018, 62-73.
8. Dunn J., Brown J., & Beardsall L. / Family talk about feeling states and children's later understanding of others' emotions // Developmental Psychology, 1991. 448-455.